

# Таълим йўналиши ўқув режаси билан боғлиқ сўров ўтказиш ва шу асосида тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича консультант хизматлари (қизиқишни билдириш учун сўров)

**Таълим йўналиши ўқув режаси билан боғлиқ сўров ўтказиш ва шу асосида тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича консультант хизматлари (қизиқишни билдириш учун сўров)**

**Ташкилот/Институт/Компания:** Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)

**Лойиҳа номи:** Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш

**Лойиҳа ID:** АИФ 2/16

## **СЎРОВ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА КОНСУЛЬТАНТ ХИЗМАТЛАРИ**

ТИҚХММИ Жаҳон банкининг Ўзбекистон Республикасида Олий таълимни модернизация қилиш лойиҳаси доирасида Академик инновациялар фондининг "Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини такомиллаштириш" лойиҳасини амалга ошироқда ва лойиҳа маблағларининг маълум бир қисмини консультант маслаҳатчи хизматлари учун сарфланиши режалаштирилган.

Консультант маслаҳатчи хизматлари ҳозирда ишлаб чиқаришда қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва унга алоқадор соҳаларда самарали фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг "Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш" йўналишида айна пайтда фойдаланилаётган ўқув режа фанлари ва таклиф қилиниши мумкин бўлган янги фанлар бўйича фикр-мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида сўров ўтказиш ва сўров натижаларини таҳлили асосида тавсиялар ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Сўровни ўтказишга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва натижаларни таҳлил қилиш асосида тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича ишларни 28.12.2020й - 28.02.2021й оралиғида бажарилиши режалаштирилган. Сўровда қатнашадиган респондентлар сони 100 тадан кам бўлмаслиги керак.

ТИҚХММИ консультантлар ёки ташкилотлар/компанияларни юқоридаги хизматларни кўрсатиш учун қизиқишларини билдиришга таклиф қилади. Иш ҳажми қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади, лекин шу билан чегараланмайди:

- қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналишида айна пайтда фойдаланилаётган ўқув режа билан яқиндан танишиш, сўров саволларини тайёрлаш
- потенциал респондентларни аниқлаш, улар билан алоқага чиқиш ва сўровни ўтказиш
- сўров натижаларини таҳлил қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш

Консультант Жаҳон банкининг "Жаҳон банкдан қарз олувчилар томонидан консультантларни танлаш ва ишга олиш" (жорий нашр) қўлланмасида келтирилган тартиб-қоидаларга мувофиқ танланади. Сўровни ўтказишга қизиқиш билдирган номзодлар ёки ташкилотлар ўз таклифларини (ҳужжатлар тўпламини) 2020 йил 24 декабрга қадар муҳрланган конвертда лойиҳа офисига етказиши сўралади. Ҳужжатлар тўпламида ишни ташкил қилиш бўйича қисқа режа ва бюджет, номзод консультант ёки ташкилот ҳақидаги маълумотлар (паспорт маълумотлари ёки устав, CV/маълумотнома, дипломлари, сертификатлари ва бошқа ҳужжатлар нусхалари) бўлиши керак. Қизиқиш билдирган консультантлар қуйида келтирилган электрон почта ёки телефон орқали қўшимча маълумотлар олиши мумкин.

**Манзил:**

ТИҚХММИ, В-бино, В-306, 310 хоналар

Қори Ниязов кўчаси 39 уй

Тошкент, 100000 Ўзбекистон

**Телефон:** 998 71 237 2534

**E-mail:** [aif-agr-eng@tiame.uz](mailto:aif-agr-eng@tiame.uz)

**Вебсайт:** <http://international.tiame.uz/ru/page/Oliy%20ta'limni>

**Техник координатор:** Мансур Амонов